**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

**О.Оқюлов, М.Х.Баратов, Ҳ.Юнусов,**
**Р.Хакимов, С.Джалилов**

# ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Монография**

Монография Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти
Илмий кенгашининг 2023 йил 25 декабрдаги 8-сон мажлисида
нашрга тавсия этилган.

**TOSHKENT**
**“MAKON SAVDO PRINT” XK – 2024**

UO‘K 347.2 (575.1)
KBK X623.031.0

**О.Оқюлов, М.Х.Баратов, Ҳ.Юнусов, Р.Хакимов, С.Джалилов.** Шахсий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш / Монография / – Тошкент: MAKON SAVDO PRINT, 2024. 293 б.

**Муаллифлар:**

**О.Оқюлов,** юридик фанлар доктори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бош илмий ходими, профессор

**М.Х.Баратов,** юридик фанлар доктори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, профессор

**Ҳ.Юнусов,** юридик фанлар номзоди, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими

**Р.Хакимов,** юридик фанлар доктори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими

**С.Джалилов,** ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти докторанти

Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, профессор
**М.Х.БАРАТОВ**

**Тақризчилар:**

**Н.Кулдашев** - юридик фанлар доктори, профессор
**А.Тешабоев** - юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Монография ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институтининг 2023 йилга мўлжалланган “Шахсий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш” номли илмий-тадқиқот дастури асосида амалга оширилиб, унда шахсий-номулкий ҳуқуқларга оид умумий масалалар, Конституциявийислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларидаги шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар билан узвий боғланишнинг назарий-методологик масалалари, шахсий ҳуқуқлар вужудга келиши ва амалга оширилиши билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш механизмини шакллантириш, шахсий ҳуқуқлар алоҳида турларининг фуқаролик-ҳуқуқий режими, шахсий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш усул ва воситаларини такомиллаштириш тадқиқ этилган.

Шахсий ҳуқуқлар ҳимоясига оид халқаро-ҳуқуқий стандартлар қиёсий-ҳуқуқий таҳлилга тортилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий стандартлари ўрганилган.

Нашр кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

UO‘K 347.2 (575.1)
KBK X623.031.0

**ISBN 978-9910-728-88-4**

©“MAKON SAVDO PRINT”, 2024
**© Ўзбекистон Республикаси ФА Давлат ва ҳуқуқ институти, 2024**

**М у н д а р и ж а**


| | | |
|---|---|---|
| | **Кириш ўрнида.........................................** | 5 |
| **I боб.** | **Шахсий-номулкий ҳуқуқларга оид умумий масалалар.................................** | 9 |
| 1.1. | Конституциявий ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларидаги шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар билан узвий боғланишнинг назарий-методологик масалалари.................. | 9 |
| 1.2. | Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари – фуқаролик ҳуқуқи доктринасидаги тектоник ўзгаришларнинг марказида............................. | 26 |
| 1.3. | Ўзбекистон Республикаси – ижтимоий давлат: фуқаронинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари: ҳолат ва истиқболлар........................................ | 38 |
| 1.4. | Шахсий ҳуқуқлар вужудга келиши ва амалга оширилиши билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш механизмини шакллантириш................................................... | 46 |
| 1.5. | Шахсий ҳуқуқлар вужудга келиши ва амалга оширилиши фонида Ўзбекистон ва ислом молия институтлари: воқелик ва истиқболлар..................................................... | 76 |
| 1.6. | Шахсий ҳуқуқлар алоҳида турларининг фуқаролик-ҳуқуқий режими............................ | 88 |
| 1.7. | Шахсий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш усул ва воситаларини такомиллаштириш....... | 108 |
| **II боб.** | **Шахсий ҳуқуқлар ҳимоясига оид халқаро-ҳуқуқий стандартлар.................** | 128 |

| | | |
|---|---|---|
| 2.1. | Шахсий ҳуқуқлар ҳимоясига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик табиати........ | 128 |
| 2.2. | Шахсий ҳуқуқлар ҳимояси соҳасида универсал халқаро ҳужжатлар таҳлили.............................. | 133 |
| 2.3. | Шахсий ҳуқуқлар ҳимоясига оид минтақавий халқаро ҳужжатлар қиёсий тадқиқи.................. | 148 |
| 2.4. | Шахсий ҳуқуқлар ҳимояси бўйича субминтақавий халқаро ҳужжатлар таҳлили.. | 164 |
| 2.5. | Шахсий ҳуқуқлар ҳимояси соҳасидаги халқаро стандартларнинг Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементatsiяси истиқболлари.................................................... | 176 |
| **III боб.** | **Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий стандартлари: таҳлил ва истиқболлар..........................................** | 198 |
| | **Хулоса....................................................** | 280 |
| | **Фойдаланилган адабиётлар...................** | 290 |

## Кириш ўрнида

*Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар*.
**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Деклараtsiяси, 1-модда.**

Дарҳақиқат, шундай. 1948 йил 10 декабрь санасида жаҳон ҳамжамияти шундай тўхтамга келди. Унда қайд этилгандиек, инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчликнинг асосидир.

Шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи – булар инсоннинг фундаментал ҳуқуқларидан бири – шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардир.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар шахс туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар-шахсий ҳуқуқлар, дарҳақиқат, манбаларда қайд этилганидек, шахсдан бегоналаштирилмайдиган, ундан тортиб олинмайдиган ва, одатда, умумий эквивалент – пул билан ўлчанмайдиган ҳуқуқлардир. Улар табиий ҳуқуқлардир. Улар давлат томонидан Асосий қонун – мамлакат Конституцияси даражасида ўрнатилган ва мустаҳкамланган, муҳофаза этиладиган ҳуқуқлардир.

Мамлакатимизнинг янгиланган Конституцияси (25–35-моддалар) бу борада ўтмишдошидан (1992 й.) ҳажман ва мазмунан бойиди:

- яшаш ҳуқуқи;
- инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз экани, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин

эмаслиги, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмаслиги, ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмаслиги;

- эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги, ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилиши, шахс суднинг қарорисиз *қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги,* шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шартлиги;
- айбсизлик презумпцияси, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги, ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги;
- ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, ҳеч ким айни бир жиноят учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмаслиги;
- ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқи;

- уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқи, ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмаслиги;
- қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи (бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно), ҳар кимнинг Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги (бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно), Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистонга тўсқинликсиз қайтиш ҳуқуқи;
- фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи; исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи;
- давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шартлиги;
- виждон эркинлиги: хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қайд этилганидек, "...инсон қадри, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала", бинобарин, "инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим"[1].

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, у ёки бу шахсий ҳуқуқларнинг қонун нормасида акс этиши (de yure) бу ҳали

[1] https://president.uz/uz/lists/view/5774.

унинг тўлақонли амалга ошди (de facto) дегани эмас. Ҳали айни шу баҳслар туфайли низолашилаётган ҳолатлар қанча. Тўғри, ҳаёт давом этади, ижтимоий муносабатлар такомиллашиб бораверади.

Бироқ бу ўзибўларчилик дегани ҳам эмас-да. Демократиянинг бош талабига кўра, менинг ҳуқуқларимнинг чегараси – иккинчи бир шахснинг ҳуқуқлари чегарасигачадир. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин[1].

Тадқиқотда шулар хусусида сўз боради.

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

**Муаллифлар:**
**О.Оқюлов,** юридик фанлар доктори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бош илмий ходими, профессор
**М.Х.Баратов,** юридик фанлар доктори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, профессор
**Ҳ.Юнусов,** юридик фанлар номзоди, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими
**Р.Хакимов,** юридик фанлар доктори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими
**С.Джалилов,** ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти докторанти

**О.Оқюлов, М.Х.Баратов, Ҳ.Юнусов,**
**Р.Хакимов, С.Джалилов**

# ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

## Монография

*Muharrir:* S. Abdunabiyeva
*Badiiy muharrir:* K. Boyxo‘jayev
*Kompyuterda sahifalovchi:* B. Muxtorov

shr. lits. AA № 205405
Bosishga ruxsat etildi: 10.07.2024-yil.
Bichimi 60x84 1/16. Ofset qog‘ozi.
“Georgia” garniturasi.
Shartli b/t. 18.3. Nashr hisob t. 18.6
Adadi 50 dona. 67-buyurtma
“MAKON SAVDO PRINT” X. K. nashriyotida tayyorlandi.
Toshkent shaxri, Shayxontohur tumani, Jangoh MFY, Jangoh mavzesi, 37-uy.
«DAVR MATBUOT SAVDO» bosmaxonasida chop etildi.
100198, Toshkent, Qo‘yliq 4 mavzei, 4